O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

Shu aziz Vatan — barchamizniki

# O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

• 2005-yil • 7-may • Shanba • 57 (27.392) • uzbovozi@sarkor.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ҚАРОРИ*

## Ипотека кредити беришни қўллаб-қувватлаш жамғармаси фаолиятини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 16 февралдаги «Уй-жой қурилиши ва уй-жой бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-10-сон қарорига мувофиқ ҳамда аҳолининг ўз эҳтиёжлари учун уй-жой қуриш, реконструкция қилиш ва харид қилишга якка тартибда қарз олувчиларга имтиёзли узоқ муддатли ипотека кредити бериш тизимини кенг жорий этиш учун молиявий маблағларни жалб этиш ва жамлаш мақсадида:

1. Қуйидагилар Ипотека кредити беришни қўллаб-қувватлаш жамғармасининг (бундан буён матнда Жамғарма деб юритилади) асосий вазифалари этиб белгилансин:

ипотека кредити беришни ривожлантириш учун халқаро ва хорижий молия институтларининг узоқ муддатли кредитлари, инвестиция ҳамда грантларини, Жамғарма маблағларини тўлдирадиган бошқа манбаларни жалб этиш ва жамлаш;

ипотека кредити беришда иштирок этадиган «Ипотека-банк» акциядорлик тижорат банки ҳамда бошқа банклар (бундан буён матнда банклар деб юритилади) якка тартибда қарз олувчиларга ўз эҳтиёжлари учун уй-жойлар қуриш, реконструкция қилиш ва харид қилишга (бундан буён матнда якка тартибда қарз олувчилар деб юритилади) кредитлар бериши учун ана шу банкларга шартнома асосида кредит линиялари очиш;

(Давоми 2-бетда)

## 2005 йил — Сиҳат-саломатлик йили






### ЯҚИНДА РЕСПУБЛИКА ШОШИЛИНЧ ТИББИЙ ЁРДАМ ИЛМИЙ МАРКАЗИДА ЯНГИ ПЕДИАТРИЯ МАЖМУИ ОЧИЛДИ

Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишга оид давлат дастурига мувофиқ юртимизда шошилинч тиббий ёрдам хизматининг яхлит тизими шаклланмоқда. Мамлакатимизнинг барча минтақаларида аҳолига давлат томонидан кафолатланган бепул ва сифатли тиббий ёрдам кўрсатиш мақсадида 1999 йили Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази ташкил этилди. Ҳозир вилоятларда унинг ўн икки филиали, туман ва шаҳар марказларида 173 бўлими ишламоқда.

225 ўринли янги педиатрия мажмуининг ишга туширилиши эса шошилинч тиббий ёрдам хизматини юксак босқичга кўтаришга, улғайиб келаётган авлодни жисмонан соғлом ва баркамол этиб тарбиялашни янада яхшилашга, «Сиҳат-саломатлик йили» давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашга хизмат қилади.

Янги шифо маскани таркибида қабул-диагностика, нейрохирургия ва травматология, бир ёшдан уч ёшгача ва уч ёшдан катта болаларни даволайдиган иккитадан педиатрия ва жарроҳлик, реанимация ва анестезиология бўлимлари бор. Уларнинг барчаси замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган.

**(Ўз мухбиримиз)**

**Суратларда:** педиатрия мажмуи шифокорлари ва тиббий ёрдам маркази биноси.

**Сарвар ЎРМОНОВ (ЎзА)**
**олган суратлар**



## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг иккинчи ялпи мажлиси тўғрисида

## АХБОРОТ

2005 йил 6 май куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг иккинчи ялпи мажлиси бўлиб ўтди.

Сенат мажлисида Вазирлар Маҳкамасининг таклиф этилган аъзолари, фаолияти мажлис кун тартибига киритилган масалаларга дахлдор давлат органларининг раҳбарлари ҳозир бўлдилар.

Мажлисни Олий Мажлис Сенатининг Раиси М.Шарифхўжаев бошқарди.

Сенат аъзолари кун тартибига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламентини кўриб чиқдилар ва тасдиқладилар.

Сенаторлар парламент юқори палатасининг олтита қўмитаси таркибини ҳамда қўмита раисларининг ўринбосарларини сайладилар, Олий Мажлис Сенатининг Регламент ва одоб комиссиясини туздилар.

Парламент юқори палатаси қўмиталарининг Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2005 йил 28 январдаги қўшма мажлисидаги маърузасининг асосий қоидалари инобатга олинган ҳолда 2005 йилга мўлжаллаб ишлаб чиқилган қонунчилик ва назорат фаолияти режалари ҳамда ўтказадиган тадбирларига ялпи мажлисда сўзга чиққан Сенат қўмиталарининг раислари алоҳида тўхталдилар.

Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилиниб, маъқуллаш учун Сенатга тақдим этилган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини сенаторлар Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари қўмитаси раиси Б.Иминов тақдимига кўра кўриб чиқдилар. Бу масала муҳокамасида сенаторлардан Н.Аимбетов, Р.Усмонов, Ҳ.Артуқбоевалар иштирок этди. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Сенат кўриб чиқиши учун киритилган «Чехия Республикаси, Эстония Республикаси, Кипр Республикаси, Венгрия Республикаси, Латвия Республикаси, Литва Республикаси, Мальта Республикаси, Польша Республикаси, Словения Республикаси ва Словакия Республикаси Европа Иттифоқига қўшилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси, бир томондан, ва Европа Ҳамжамиятлари ҳамда уларга аъзо давлатлар, иккинчи томондан, ўртасида Шерикчилик таъсис этувчи шерикчилик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битимга доир Баённомани (Брюссель, 2004 йил 30 апрель) ратификация қилиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни атрофлича муҳокама этилганидан кейин маъқулланди.

Кун тартибидаги мазкур масала юзасидан Сенатнинг Ташқи сиёсат масалалари қўмитаси раиси С.Сафоев, сенаторлардан А.Султонов, С.Герасимова, И.Бобожоновлар сўзга чиқдилар.

Парламентнинг юқори палатаси аъзолари кун тартибидаги Тошкент шаҳрининг Акмал Икромов тумани номини ўзгартириш тўғрисидаги масалани кўриб чиқдилар. Бу масала юзасидан Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси Э.Воҳидов сўзга чиқди. Сенаторлар Акмал Икромов тумани номини Учтепа деб ўзгартириш тўғрисида Тошкент шаҳар ҳокимининг шаҳар аҳлининг мурожаатларига асосланган илтимосномасини қаноатлантириш ҳақида қарор қабул қилдилар.

Шундан кейин юқори палата аъзолари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мутлақ ваколатларини амалга оширишга киришдилар. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармонларини тасдиқлаш тўғрисидаги масалалар кўриб чиқилди. Улар орасида «Р.Ҳ.Қодировни Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори этиб тайинлаш тўғрисида»ги, «Б.М.Тайджановни Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари этиб тайинлаш тўғрисида»ги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг бошқа баъзи фармонлари бор.

Юқори палата аъзолари Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Олий хўжалик суди таркибига ўзгартишлар киритиш ҳақидаги масалаларни кўриб чиқдилар.

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раисини тайинлаш тўғрисидаги масала ҳам кўрилди.

Кўриб чиқилган масалалар юзасидан Сенат тегишли қарорлар қабул қилди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг биргаликдаги ваколатларига тааллуқли масалалар ҳам муҳокама қилинди. Бундай масалалар қаторида Олий Мажлис Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг (омбудсманнинг) фаолиятига оид ҳисобот ҳам бўлиб, уни муҳокама қилишда сенаторлардан В.Пак, И.Собиров ва бошқалар иштирок этдилар. Сенат Олий Мажлис Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг 2004 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботни тасдиқлади.

Сенаторлар С.Ш.Рашидовани Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) этиб сайлаш тўғрисидаги масалани ҳам кўриб чиқдилар. Бу масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Шунингдек, Сенат Марказий сайлов комиссияси таркибига ўзгартишлар киритиш ҳақидаги масалани ҳам кўриб чиқди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг иккинчи ялпи мажлиси ўз ишини тугаллади.

Публицистика

# ТИНЧЛИК. ОЗОДЛИК. МИЛЛАТ...

### ҲАР ҚАНДАЙ УРУШ ЗАМИРИДА МАНА ШУ УЧТА БУЮК ҲАҚИҚАТНИ ЙЎҚОТИШ МАҚСАДИ ЁТАДИ



Инсоният тарихида узоқ давом этган, жуда катта ҳудудни қамраб олган, миллионлаб одамларнинг умрига зомин бўлган Иккинчи жаҳон уруши тугаганига ҳам 60 йил тўлди. Унинг мудҳиш аламлари бизни ҳамон азоблайди. Ўйлашга, фикрлашга ундайверади...

Замин тебранади. Замин ёнади. Титрайди замин. Кўксига урушлар ўқи ботади. Бағридаги жароҳат излари силқиб оғрийди. Душмандан юртини ҳимоя қилмоқчи бўлганлар, дунёни фашизм балосидан қутқазганлар, халқим деб кўксини қалқон этганлар табаррук ҳоки Она ер узра ётибди. Шаҳид кетганларнинг ҳам яшашга, севишга ҳақлари бор эди. Лекин улар келажак авлодларни ўйлаб, мана шу сизу бизга қолган Ватан деб азиз жонларини қурбон қилдилар.

Фарзанд доғида ўртаниб, куйиб ўтган, йиғлайвериб кўзларида қатра ёш қолмаган, боласининг «етими» бўлган оналар оҳи, ўн беш ёшида бева қолган ёр ўрнига ҳижрон азобларини қучган, аламини меҳнатдан олган, умрининг охиригача йўл қараган аёллар фарёди, ота дийдорига зор бўлган бу «буюк шодлик»дан бир умр бебаҳра болалар ноласи ҳалиҳамон битгани йўқ...

Биз ёшлар ҳеч қандай урушда бўлмаганмиз. Лекин ҳар дақиқада унинг даҳшатини ҳис этамиз. Урушнинг мудҳиш шарпасини узоқ ва яқинларда кўргандай бўламиз. Аслида урушда ғалаба қозонилмайди. Ҳамма ютқазади. Кимидандир, нимасидандир айрилади. Мислсиз уқубатларга дучор бўлади. Уруш одамлар томонидан ўйлаб топилган, ўз-ўзини яксон этиш, ўлдириш, тортиб олиш, эгалик қилиш васвасасида бошланади. Уруш олови туфайли бойишни ният қилганлар, ниманидир қўлга киритиш хаёлида юрганлар дунёдаги энг тубан одамлардир.

Уруш ҳамиша тинчлик, осойишталик душмани ҳисобланади. У пайт пойлайди. Қаердаки Ватанга муҳаббат, ҳамжиҳатлик, оқибат, меҳр каби боқий тушунчалар орадан кўтарилса, огоҳлик йўқолса, бефарқлик бошланса ўша юртда тинчлик ўз ўрнини ёвузликка, урушга бўшатиб беради. Ўшанда Озодлик сўзидан ҳам олдин жаранглайдиган, истиқлол каби азиз, нон каби қадрли бўлган тинчлигимизни йўқотиб қўйиш хавфи пайдо бўлади.

Урушни фақат тинчлик билан, ёмонликни эса яхшилик ила енгиш мумкин. Мозий саҳифаларини варақлаганда, инсоният бошидан кечирган ҳар қандай урушлар аниқ саналарда муҳрланган. Уруш тафсилотлари батафсил баён этилган. Ким-кимни енггани, қанча навкар, қурол-аслаҳа ишлатилганигача, қурбонлар сони, олиб кетилган бойликлар — барча-барчаси мужассам. Бунинг сири нимада? Ўша даврларда бўлиб ўтган эзгу ишлар, яратилган китоблар, қурилган иморатлар, яшаб ўтган даҳолар ҳақидаги маълумотлар эса саҳродаги қум барханларига сингиб кетган обиҳаёт янглиғ изсиз йўқолган.

Жангномаларни битган муаррихларнинг битта нияти бўлган. У ҳам бўлса уруш сабоқлари. Ундан хулоса чиқариш, одамларга эса кўзингизни очинглар, уруш ҳеч кимга, ҳеч қачон яхшилик олиб келмаган, олиб келмайди ҳам, деган хитобни етказиш.

Демак, тинчлик учун мамлакат раҳнамосидан тортиб оддий фуқаросигача барча-барчамиз масъул эканлигимизни бир дақиқа бўлса-да унутишга ҳаққимиз йўқ.

Тинчлик, уруш бир мамлакат ҳудудига сиғмайдиган нур ва зулмат кабидир, улар. Бу балога четда бефарқ қараб туриш мумкин эмас. Қаердаки тинчлик боқий бўлса, бу бутун инсониятнинг бебаҳо неъмати, қаердаки урушга уринишлар бошланса бу ҳам башариятнинг ягона қора қисматига айланади. Буни йиллар, асрлар давомида ҳукм сурган тинчлик, бўлиб ўтган урушлар бизга англатади.

Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов Иккинчи жаҳон урушида жонини қурбон қилганлар хотирасини ёд этиш, жангоҳлардан омон қайтганларни қадрлаш борасида барча-барчамиз масъул эканлигимизни кўп бора таъкидлаган эдилар. Бугун мустақил давлатимизда мана шу сўзларнинг ижобати бўлиб инсониятни фашизм балосидан сақлаб қолган юртдошларимизга алоҳида эътибор, эъзоз кўрсатилмоқда.

Президентимиз уруш оловини ёқишга, терроризм балосини бутун дунёга ёйишга уринаётганларга қарши барча мамлакатлар биргаликда, ҳамжиҳатликда курашиши зарурлигини жаҳоннинг нуфузли минбарларида айтган эдилар.

Бугун ўз шакл-шамойилини ўзгартирган ёвузлик тинчликка раҳна солиш қасдида терроризм ниқоби остида дунёнинг турли бурчакларида пайдо бўла бошлади. XXI аср одамлари олдида хавф-хатар бўлиб турган бу қабиҳ хатти-ҳаракатлар бизни яна бир бора бедорликка ундаши, тинчликни сақлаш йўлида бирлашишимизга, бонг уришимизга чақириши зарур!

Ўйлаб қарасак, аслида инсонга бу ёруғ дунёда нима керак? Унинг учун муҳим нарса нима?

**Тинчлик. Озодлик. Миллат...**

Улуғ кашфиёт. Ҳақиқатдан ҳам шу «тинчлик, озодлик, миллат» деган уч сўзда ҳаммаси мужассам.

Юрти тинч, мустақиллиги мустаҳкам, озодлиги абадий, нони бутун бўлган шу уч буюк ҳақиқат эгизак, миллатнинг, мамлакатнинг эса келажаги буюк бўлиши шубҳасиздир.

**Фаррух ҲАМРОЕВ**

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг*
*ҚАРОРИ*

### Ўзбекистон Республикаси Олий судининг таркибига ўзгартишлар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати қарор қилади:

1. Қаҳрамон Ирисалиевич Исаров Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг биринчи ўринбосари вазифасидан озод қилиниб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг ўринбосари этиб сайлансин.
2. Нуритдин Зубайдуллаевич Ташматов Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг биринчи ўринбосари этиб сайлансин.
3. Бахтиёр Ўроқович Жамолов Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг ўринбосари этиб сайлансин.
4. Мухитдин Яхъёевич Бобоев бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси вазифасидан озод қилинсин.
5. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси М.ШАРИФХЎЖАЕВ**

Тошкент шаҳри, 2005 йил 6 май.

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг*
*ҚАРОРИ*

### Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг таркибига ўзгартишлар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати қарор қилади:

1. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг судьялари этиб сайлансин:

Солиев Исмоил Комилович

Закирова Лариса Григорьевна

2. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси М.ШАРИФХЎЖАЕВ**

Тошкент шаҳри, 2005 йил 6 май.

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг*
*ҚАРОРИ*

### Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг раисини тайинлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати қарор қилади:

1. Борий Ботирович Алихонов Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг раиси этиб тайинлансин.
2. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси М.ШАРИФХЎЖАЕВ**

Тошкент шаҳри, 2005 йил 6 май.

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
MULKDORGA HAMKOR!
Tel: 132-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74
WWW.tshmbm.uz E-mail: info@tshmbm.uz va Birja@mail.tps.uz
Хизматлар лицензияланган

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

ALOQABANK — aniq, tez, ishonchli!
Tel: 152-78-74, 152-78-75, 134-75-57; Faks: 152-78-04.
WWW.alokabank.uz E-mail: info@alokabank.uz
Хизматлар лицензияланган

O'ZBEKISTON — TURKIYA BANKI
«O'T-BANK YoAJ»
O'zbekistondagi mahalliy va xalqaro bankingiz
Tel: 173-83-24, 25, 173-72-48. Faks: 120-63-62,
WWW.utbk.com E-mail: utbank@utbk.com
Хизматлар лицензияланган

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ҚАРОРИ*

# Ипотека кредити беришни қўллаб-қувватлаш жамғармаси фаолиятини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида

(Давоми. Боши 1-бетда)

Жамғарма томонидан банкларга бериладиган маблағлардан фақат мақсадли фойдаланилиши мониторингини таъминлаш;

Жамғарма тушумлари ва унинг маблағларидан фойдаланишнинг йиллик ҳамда чорак балансларини шакллантириш.

2. Қуйидагилар белгилансин:

Жамғарма Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузурида ташкил этилади ва у юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган нотижорат ташкилот ҳисобланади;

Жамғармани бошқариш бўйича Васийлик кенгаши Жамғарма бошқаруви юқори органи ҳисобланади;

Жамғарманинг ижроия дирекцияси Жамғарма ижроия органи ва унинг маблағларини тасарруф этувчиси ҳисобланади;

Жамғарманинг ижрочи директори Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимга тайинланади ва ундан озод қилинади;

Жамғарма ижроия дирекциясини таъминлаш жамғарма маблағлари ҳисобидан, Жамғармани бошқариш бўйича Васийлик кенгаши томонидан бюджет ташкилотлари учун белгиланган тартибда тасдиқланадиган харажатлар сметаси асосида амалга оширилади.

3. Қуйидагилар тасдиқлансин:

Ипотека кредити беришни қўллаб-қувватлаш жамғармасини бошқариш бўйича Васийлик кенгашининг таркиби;

Ипотека кредити беришни қўллаб-қувватлаш Жамғармаси ижроия дирекциясининг бошқарув ходимлари сони 5 кишидан иборат бўлган тузилмаси;

Ипотека кредити беришни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳамда Жамғарма маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш механизми тўғрисидаги Низом.

4. Қуйидагилар Жамғармани бошқариш бўйича Васийлик кенгашининг функциялари этиб белгилансин:

хорижий кредитлар, инвестиция ва грантларни жалб этишда Жамғармага кўмаклашиш;

манфаатдор давлат ва нодавлат ташкилотларини Жамғарма олдига қўйилган вазифаларни ҳал қилишга жалб этиш;

Жамғарма тушумлари ва унинг маблағларидан фойдаланиш прогнозларини тасдиқлаш;

банкларга бериладиган ҳар бир кредит линияси бўйича фоиз ставкасини тасдиқлаш;

Жамғарма ижроия дирекцияси фаолияти устидан, хусусан тушумлар манбаларини шакллантириш, кредит линияларини ўз вақтида очиш ва тўлаш соҳасида назоратни амалга ошириш.

5. Қуйидагилар Жамғарма маблағларини шакллантиришнинг асосий манбалари этиб белгилансин:

халқаро ва хорижий молия институтларининг имтиёзли узоқ муддатли кредитлари, инвестиция ва грантлари;

Ўзбекистон Республикасининг Инвестиция дастурида назарда тутиладиган давлат бюджети маблағлари;

ипотека кредити бериш учун банклардаги кредит линиялари бўйича фоизлар ҳисобидан ҳамда Жамғарманинг вақтинча бўш маблағларини қисқа муддатли давлат хазина мажбуриятларига ва банклардаги депозитларга жойлаштиришдан, шунингдек қимматли қоғозлар бозоридаги операциялардан тушадиган даромадлар;

якка тартибда уй-жой қурилиши учун ер майдонларини мерос қилиб қолдириш шарти билан умрбод эгалик қилиш ҳуқуқларини кимошди савдосида сотишдан тушадиган маблағларнинг 50 фоизи;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа даромад ва тушумлар.

6. Жамғармага:

маблағларни шакллантириш манбаларини тўлдириш учун ипотека ва уй-жой облигациялари, шунингдек бошқа қимматли ипотека қоғозлари чиқариш ва сотишга, кимошди савдоларида иштирок этишга;

банкларга уч йиллик имтиёзли давр билан камида 15 йил муддатга ва Жамғармани бошқариш бўйича Васийлик кенгаши томонидан ҳар бир кредит линияси бўйича тасдиқланадиган фоиз ставкаси билан қайтариш асосида уй-жойларни реконструкция қилиш ва харид қилишга, шунингдек янги қурилишга ҳар бир якка тартибда қарз олувчи ҳисобига энг кам иш ҳақи миқдорининг тегишли равишда 2500 ва 3000 карра миқдорида, аммо уй-жой қурилиши, реконструкция қилиш ва харид қилиш қийматининг 75 фоизидан ошмайдиган миқдорда кредит линиялари очишга рухсат берилсин.

7. Жамғарма барча турдаги солиқлардан ва давлатнинг мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалардан озод қилинсин, ягона ижтимоий тўлов бундан мустаснодир.

8. Банклар маблағлардан мақсадга мувофиқ фойдаланмаганлиги фактлари аниқланган ҳолларда ана шу аниқланган маблағнинг ҳаммаси Жамғарма билан банк ўртасида тузилган шартномада назарда тутилган жарималарни қўллаган ҳолда Жамғарма ҳисобига муддатидан илгари қайтарилиши белгилаб қўйилсин.

9. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳисобот йилининг 1 ноябридан кечиктирмай ҳар йили Жамғармага уй-жой қурилиши учун ажратилаётган ер майдонлари ва прогноз қилинаётган йилга мўлжалланган уй-жой қурилиши ҳажмлари тўғрисидаги маълумотларни тақдим этсинлар.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 16 февралдаги ПҚ-10-сон қарори 3-бандининг учинчи хатбошидаги «икки йиллик» сўзлари «уч йиллик» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

11. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С.Азимов зиммасига юклатилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ**
Тошкент шаҳри 2005 йил 6 май

---

# «ЎЗБЕКИСТОН ДЕМОКРАТИК ТАРАҚҚИЁТНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИДА»

«Ўзбекистон» нашриётида мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон демократик тараққиётнинг янги босқичида» деб номланган китоби босилиб чиқди. Ушбу тўпламдан давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг биринчи йиғилишида сўзлаган нутқи, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг янги таркиби билан ўтказилган йиғилишдаги нутқи ўрин олган.

Шу билан бирга, дунёнинг таниқли давлат ва жамоат арбоблари, сиёсатшунос олимлар, халқаро эксперт ва кузатувчилар, хорижий оммавий ахборот воситалари вакилларининг 2004 йилда мамлакатимизда бўлиб ўтган парламент сайловлари ва Президент Ислом Каримовнинг Олий Мажлис палаталарининг қўшма йиғилишидаги «Бизнинг бош мақсадимиз — жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир» номли дастурий маърузаси юзасидан билдирган фикр-мулоҳазалари ҳам китобга киритилган.




**(ЎзА)**

---

**Парламент фаолияти**

# ҚОНУН ИЖРОСИ БИЛАН КУЧЛИ

**ТОШКЕНТ. (ЎзА мухбири Т.Ботирбеков).** Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитасининг йиғилишида «Ветеринария тўғрисида»ги қонуннинг Бухоро вилоятидаги ижросига оид масала муҳокама этилди.

Мазкур қўмита раиси Т.Каримов бошқарган йиғилишда ушбу қонун ижросини таъминлаш борасида вилоятда муайян ишлар амалга оширилаётгани таъкидланди. Хусусан, ҳайвонларни касалликлардан муҳофаза қилиш ва даволаш, аҳолининг юқори сифатли маҳсулотларга бўлган эҳтиёжини қондириш, атроф-муҳитни муҳофаза этишда ветеринария-санитария тадбирларини бажаришга жиддий эътибор қаратилмоқда.

Вилоят давлат ветеринария хизмати тизимида давлат ветеринария бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлимлари, эпизоотик отряд, лаборатория ва участкалар фаолият кўрсатмоқда.

Ветеринария хизмати соҳалари бўйича қабул қилинган қарорларнинг бажарилиши қатъий назоратга олинган.

Йиғилишда қонун ижросини таъминлаш борасидаги нуқсон ва камчиликларни бартараф этишга қаратилган қарор қабул қилинди.

---

# НАЗОРАТ-ТАҲЛИЛ ЯКУНЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ

**ТОШКЕНТ. (ЎзА мухбири Т.Ботирбеков).** Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитасида 2003-2004 йиллар ва жорий йилнинг биринчи чорагида Қорақалпоғистон Республикасида «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги қонуннинг ижроси бўйича ўтказилган назорат-таҳлил якунларига бағишланган йиғилиш бўлди.

Унда Мудофаа, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши вакиллари иштирок этди.

Мазкур қўмита раиси А.Турсунов бошқарган йиғилишда ушбу қонун ижросини таъминлаш борасида Қорақалпоғистон Республикасида муайян ишлар амалга оширилаётгани таъкидланди. Жумладан, Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти, «Нуроний» ва «Маҳалла» жамғармалари ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Қорақалпоғистон Республикаси кенгашлари ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашда ижобий натижаларга эришмоқда.

Шу билан бирга мазкур қонуннинг бажарилишидаги айрим камчиликлар қайд этилиб, уларни бартараф этиш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўриш учун тегишли ташкилот ва муассасалар раҳбарларига тавсиялар берилди.

**(ЎзА)**

---

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси*
*Қонунчилик палатасининг*
*ҚАРОРИ*

## Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси таркибига ўзгаришлар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1998 йил 29 августда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясини тузиш тўғрисида»ги Қарорига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, N9, 176-модда; 1999 йил, N1, 27-модда, N9, 239-модда; 2001 йил, N9-10, 194-модда; 2004 йил, N5, 101-модда) қисман ўзгаришлар киритиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси қарор қилади:

1. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг аъзоси этиб сайлансин:

Абдусаломов Мирза-Улуғбек Элчиевич — Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг раиси

Рустамова Гулнора Рашидовна — Самарқанд шаҳридаги 2-поликлиника бош шифокори

Тогаев Кучкар — Жиноят ишлари бўйича Қашқадарё вилояти судининг раиси

Турсунбаев Юлчибой Эргашович — Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси аъзолари Ҳ.Ч.Бўриев, Б.Мустафаев ва Б.Н.Тошевнинг ваколатлари берган аризаларига биноан тугатилган деб ҳисоблансин.

3. Ушбу Қарор Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатига юборилсин.

4. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси**
**Қонунчилик палатасининг Спикери Э.ХАЛИЛОВ**
Тошкент шаҳри, 2005 йил 19 апрель.

*Ўзбекистон Республикаси*
*Олий Мажлиси Сенатининг*
*ҚАРОРИ*

## Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг таркибига ўзгартишлар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1998 йил 29 августда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясини тузиш тўғрисида»ги Қарорига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, N9, 176-модда; 1999 йил, N1, 27-модда, N9, 239-модда; 2001 йил, N9-10, 194-модда; 2004 йил, N5, 101-модда) қисман ўзгартишлар киритиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати қарор қилади:

1. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг аъзоси этиб сайлансин:

Абдусаломов Мирза-Улуғбек Элчиевич — Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг раиси

Рустамова Гулнора Рашидовна — Самарқанд шаҳридаги 2-поликлиника бош шифокори

Тогаев Кучкар — Жиноят ишлари бўйича Қашқадарё вилояти судининг раиси

Турсунбаев Юлчибой Эргашович — Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси аъзолари Ҳ.Ч.Бўриев, Б.Мустафаев ва Б.Н.Тошевнинг ваколатлари берган аризаларига биноан тугатилган деб ҳисоблансин.

3. Ушбу Қарор Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига юборилсин.

4. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси**
**Сенатининг Раиси М.ШАРИФХЎЖАЕВ**
Тошкент шаҳри, 2005 йил 6 май.

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг*
*ҚАРОРИ*

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилини (омбудсманни) сайлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 78-моддасининг 16-бандига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси қарор қилади:

1. Сайёра Шарафовна Рашидова Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) этиб сайлансин.

2. Ушбу Қарор Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатига юборилсин.

3. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси**
**Қонунчилик палатасининг Спикери Э.ХАЛИЛОВ**
Тошкент шаҳри, 2005 йил 19 апрель.

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг*
*ҚАРОРИ*

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилини (омбудсманни) сайлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 78-моддасининг 16-бандига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати қарор қилади:

1. Сайёра Шарафовна Рашидова Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) этиб сайлансин.

2. Ушбу Қарор Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига юборилсин.

3. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси**
**Сенатининг Раиси М.ШАРИФХЎЖАЕВ**
Тошкент шаҳри, 2005 йил 6 май.



Қарши давлат университети қошидаги 1-академик лицейда бугунги кунда 800 нафарга яқин ўқувчи аниқ фанлар (физика, математика ва иқтисодиёт), табиий фанлар (кимё, биология) хорижий филология ва ижтимоий гуманитар фан йўналишлари бўйича таълим олмоқда. Илм даргоҳи замонавий ўқув-лаборатория, компьютер жиҳозлари билан таъминланган.

Лицейда истеъдодли ёшлар тарбиясига алоҳида эътибор қаратилади. Бу ерда таҳсил олаётган ўқувчилар ҳар йили фан олимпиадаларида муваффақиятли қатнашиб келаётганлиги бунинг далилидир. Масалан, Илёс Саидов, Маҳбуба Примова, Нурбек Эшонқулов, Васила Холёрова, Отабек Ҳайитов, Раҳмиддин Умидов каби билимли ёшлар вилоят миқёсида совринли ўринларни эгаллашди. Шунингдек, лицей ўқувчилари физика ва биология фанлари бўйича республика босқичида фаол қатнашиб, фахрий ёрлиқлар билан тақдирландилар.

Яна шуни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, лицей кафедралари қошида «Ёш физиклар», «Ёш математиклар», «Ёш тарихчилар», «Ёш химиклар», «Ниҳол», «Lets speak» каби тўгараклар мунтазам фаолият олиб бормоқда. Шунингдек, «Теннис», «Футбол», «Баскетбол», «Волейбол», «Миллий кураш», «Шоҳмот-шашка» каби ўнга яқин спорт тўгараклари фаолият кўрсатмоқда.



**Суратларда:** инглиз тили ўқитувчиси Сабоҳат Шукурова талабаларга сабоқ бермоқда; физика фани ўқитувчиси Рашит Бойназаров талабалар Сарвар Жовлиев, Акмал Абдисаломовлар билан.

**Абдурасул ПАРДА олган суратлар.**

---

**ЎзХДП янгиликлари**

# МАТЕРИАЛЛАР ТЎПЛАМИ ЧОП ЭТИЛДИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси ўз олдига қўйган мақсад ва вазифаларини, ўзининг мамлакат сиёсий майдонидаги ўрни, сиёсий куч сифатидаги моҳияти ҳамда жамиятнинг қандай қатламлари манфаатларини ифода этиши ва ҳимоя қилишини янада очиқ ва аниқ билдириш мақсадида парламент сайловлари олдидан мамлакат сиёсий ҳаётида сўллик позициясида бўлишини, бошқа сиёсий партияларга нисбатан сўл қанотда туришини билдириб, баёнот эълон қилган эди. Мақсад ЎзХДПнинг сўллик қарашларда бўлишини, бошқа партияларга нисбатан муқобил куч эканлигини қарор топтириш эди.

Бу ҳақда партиянинг IV қурултойида, Марказий Кенгаш пленумларида атрофлича сўз юритилди. Сўллик позициясининг мазмун-моҳиятини очиб берувчи «давра суҳбатлари» уюштирилди, матбуотда сиёсатчилар, партия фаолларининг таҳлилий мақолалари чоп этилди.

Яқинда партия Марказий Кенгаши юқорида қайд этилган материаллар ва мақолалар тўпламини кўп нусхада чоп этиб, қуйи партия ташкилотларига жўнатди. Мақсад — ЎзХДПнинг замонавий сиёсати, хусусан унинг сўл позицияси мазмун-моҳияти ва аҳамиятини ўрганиш, тушуниш ҳамда кенг тарғиб қилишда партия фаоллари ва тарғиботчиларига услубий кўмаклашишдир. Собир Қурбонов тузган ва Норбобо Шакаров муҳаррирлик қилган «Ўзбекистон ХДП — мамлакат сиёсий кучларининг сўл қаноти» номли рисола партия фаоллари ва тарғиботчилари учун қимматли қўлланма, манба бўлиши, шубҳасиз. Унда партия IV қурултойидан кейинги даврда марказий матбуотда чоп этилган, сўллик позициясининг мазмун-моҳиятига бағишланган барча материаллар жамланган.

---

# ҚИСҚА САТРЛАРДА

**Хива туман кенгаши** 1-сон умумтаълим мактабида эл ардоқлаган инсон, Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф хотирасига бағишланган адабий-мусиқий кеча ўтказди.

**Ғаллаорол тумани** Алоқа корхонасида ЎзХДП бошланғич ташкилотининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда партия Марказий Кенгаши II пленумида муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли вазифалар белгилаб олинди. Унда сўзга чиққан корхона раҳбари Ш.Қаршибоев сиёсий, ижтимоий йўналишда олдинда турган масалалар бўйича гапирди, Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан 9 май куни иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари учун бепул алоқа хизмати ташкил этилишини айтди.

**Қашқадарё вилоят кенгаши** вилоят тиш касалликлари шифохонасида партия фаоллари ҳамда тиббиёт ходимларининг учрашувини ўтказди. Унда Ўзбекистон Халқ демократик партияси Устави (янги таҳрири) мазмуни, партиянинг мамлакат сиёсий кучларининг сўл қаноти сифатида ҳаракат қилишининг моҳияти ҳақида сўз юритилди. Учрашувда партиянинг бир гуруҳ фаолларига ЎзХДП Қарши шаҳар кенгашининг эсдалик совғалари топширилди.

**Урганч туман кенгаши** туман «Саломатлик маркази» жамоаси билан «Сиҳат-саломатлик йили» давлат дастурини бажариш, бу борада ҳамкорликда тадбирлар ўтказиш масаласига бағишланган «давра суҳбати»ни ўтказди. Унда сўзга чиққан туман партия кенгаши раиси Х.Ваисчанов, «Саломатлик маркази» бош врачи С.Мадраҳимов оилаларда, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, бу йўналишда амалга оширилиши лозим бўлган масалалар хусусида тўхталдилар. Тадбир ниҳоясида бир гуруҳ ёшлар партия сафига қабул қилинди.

Худди шундай тадбир туман саноат касб-ҳунар коллежи талабалари ва ўқитувчилари иштирокида ўтказилиб, қизғин баҳс-мунозараларга бой бўлди.

**Китоб туман кенгаши**, туман ҳокимлиги ва хотин-қизлар қўмитаси ҳамкорлигида ёшлар ўртасида гиёҳвандликнинг олдини олиш, бу йўлнинг аянчли оқибатларини ёшларга тушунтиришга бағишланган «Қувноқлар ва зукколар» мусобақаси ўтказилди.

Шу туман кенгаши ташаббуси билан тумандаги барча умумтаълим мактаблари ўқувчилари иштирокида «Репродуктив саломатлик ва соғлом оила» мавзуида кўрик-танлов ташкил қилинди.

**Шеробод туман кенгаши** ва «Катта ҳаёт» маҳалласи ҳамкорлигида «Маҳалламиз қизлари зукко ва нафосатли» кўрик-танлови ўтказилиб, у ёшларда катта таассурот қолдирди.

**Шўрчи туман кенгаши** «Камолот» ЁИҲ туман бўлими билан ҳамкорликда ҳарбий хизматга чақирилувчи ёшлар билан учрашув ўтказди.

**Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати**



**Ислом КАРИМОВ:**

**Хотира ва Қадрлаш деганда биз аввало ўзимизни инсон сифатида англашни, одамийлик фазилатларимизни улуғлашни назарда тутамиз. Энг муҳими, бу ҳаяжонли ва изтиробли сана ўрнимизга келадиган ёш авлодни мана шу руҳда тарбиялашга, улар қалбида Ватан ва юрт учун ғурур ва ифтихор туйғуларини уйғотишга хизмат қилади.**

# НУРОНИЙЛАРГА ХИЗМАТ ШАРАФДИР

**Маълумки, яқинда матбуотда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалабанинг 60 йиллиги нишонланиши муносабати билан 1941-1945 йиллардаги уруш қатнашчилари ва ногиронларини мукофотлаш тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди. Унда уруш қатнашчилари ва ногиронларини махсус юбилей медали ҳамда пул мукофоти билан тақдирлаш кўрсатиб ўтилган эди. Бу эса мазкур ишларни бажаришга мутасадди бўлган ташкилотлар зиммасига бир қатор вазифаларни юклайди.**

**Биз яқинлашиб келаётган 9 май — Хотира ва Қадрлаш кунига тайёргарлик ишлари, уни ўтказиш бўйича қандай чоралар кўрилаётгани хусусида Ўзбекистон фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси Марказий Кенгаши раиси, Сенат аъзоси Эркин БОҚИБОЕВга мурожаат қилдик.**

— Ушбу Фармон Иккинчи жаҳон урушида жон фидо қилган минглаб юртдошларимиз хотирасига, тирикларнинг эса фидойилигига нисбатан боқий ҳурмат рамзи сифатида қимматли ва қадрлидир. Ундан барча уруш қатнашчилари қатори бизнинг ҳам бошимиз осмонга етди. Иккинчи жаҳон урушида юртимизнинг бир ярим миллионга яқин жасур, мард фарзандлари иштирок этди, ғалаба учун мардонавор курашди. Шуни айтиш кераккки, 604 мингдан ортиқ ҳамюртимиз жанг майдонларидан ногирон бўлиб қайтди, 450 мингдан ортиқ ватандошларимиз эса қаҳрамонларча ҳалок бўлди.

Республикамизда мустақиллик йилларда Иккинчи жаҳон уруши иштирокчиларига ва уларга тенглаштирилган барча юртдошларимизнинг ҳурматини жойига қўйиш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш ишларига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, жорий йилнинг ўтган уч ойи давомида жамғармамиз ҳисобидан уруш қатнашчиларига 17 миллион 955 минг сўмдан ортиқ моддий ёрдам кўрсатилди, 2 ярим миллион сўмлик дори-дармонлар етказиб берилди. Байрам арафасида 70 нафардан ортиқ якка-ёлғиз, меҳр-мурувватга муҳтож уруш ва меҳнат фахрийлари хонадонида бўлиб, жамғармамизнинг эсдалик совғалари ва табригини топширдик. Бундай тадбирлар жамғарманинг барча ҳудудий бўлимлари томонидан ҳам амалга ошириб келинмоқда.

Мамлакатимизда бугунги кунда 33 минг 721 нафар уруш қатнашчиси, 16204 та ҳалок бўлган жангчи оиласи, 286 минг 274 нафар фронт ортида меҳнат қилган юртдошларимиз яшамоқда. Уларга ғамхўрлик кўрсатиш, ижтимоий кўмак бериш давлатимиз ва жамғармамизнинг доимий диққат марказида. Фармонда кўрсатилганидек, уруш қатнашчилари ва ногиронларининг махсус юбилей медали ва пул мукофоти билан тақдирланиши эса истиқлол даврида уларни қадрлаш борасида амалга оширилаётган ишларнинг узвий давомидир.

Айни кунларда халқимиз Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабанинг 60 йиллигини нишонлашга қизғин ҳозирлик кўрмоқда. Шунингдек, жамғармамизда ҳам ушбу санага тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ишчи гуруҳи тузилиб, тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Унга кўра, барча бўлимларимиз томонидан байрамни юксак кайфиятда нишонлаш, мукофотларни тантанали равишда топшириш, турли тадбирлар ташкил этишни режалаштиряпмиз. Хотира ва Қадрлаш кунида анъанавий «Икки авлод учрашуви» ва «Аждодлар анъаналарини давом эттирамиз» йўналишларида уруш ва меҳнат фахрийлари, ҳарбий хизматчилар ҳамда ёшлар вакиллари иштирокида саёҳатлар, учрашувлар, давра суҳбатлари, кўргазмалар ташкил этилади. Шунингдек, ўша куни Президентимиз ташаббуси билан пойтахтимизда, Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар, туман ва шаҳар марказларида барпо этилган Хотира майдонлари зиёрат қилинади. Бу эса авлодларга аждодларимиз мардлиги, фидойилиги, садоқати ҳақида ҳикоя қилади.

Қутлуғ байрам арафасида «Нуроний» жамғармаси Марказий Кенгашида 100 нафардан ортиқ уруш ва меҳнат фахрийлари учун байрам дастурхони ёзилди ва уларга эсдалик совғалари топширилди. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорликда «Таъзим сизга, азиз фахрийлар» мавзуида қизиқарли кеча ташкил этдик. 100 нафарга яқин уруш қатнашчилари, ҳалок бўлган жангчи оилалари иштирокида ўтказилган тадбирда нуронийларга «Камолот»нинг эсдалик совғалари топширилди.

**— Яқинда нашр этилган «Хотира китоби»нинг қўшимча жилди ҳақида ҳам тўхталсангиз.**

— Президентимизнинг 1994 йил 16 мартдаги Фармонига биноан, нашр қилинган 34 жилдлик «Хотира китоби»да Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган 431 мингдан ортиқ жангчи ҳақидаги маълумотлар жой олган.

Китобнинг Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабанинг 60 йиллиги муносабати билан нашрга тайёрланган қўшимча учинчи жилдига ўтган ўн йил мобайнида номлари аниқланган 15590 нафар ўзбекистонлик жангчилар тўғрисидаги маълумотлар киритилди. Китобни яратишда ва маълумотларни тўплашда бизга Мудофаа вазирлиги ва унинг жойлардаги бошқарма, бўлимлари ҳамда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ёрдам бердилар. Фурсатдан фойдаланиб, ушбу китобни нашр этишда яқиндан ёрдам берган, қўллаб-қувватлаган давлат ва жамоат ташкилотларига ўз миннатдорчилигимизни билдираман.

**— Жамғарманинг Сиҳат-саломатлик йилида амалга оширадиган ишлари ҳақида ҳам тўхталсангиз.**

— Бизда ёрдамчи хўжаликлар мавжуд бўлиб, улардан тушадиган маблағ ёлғиз кексалар, ногирон ҳамда боқувчисини йўқотганларга моддий ёрдам сифатида бериб келинмоқда. Мамлакатимизда бугунги кунда 8 та «Саховат» уйи, фахрийлар сиҳатгоҳлари, махсус шифохоналар нуронийлар хизматида. Бу йил Тошкентдаги «Нуроний» шифохонаси қошида ташкил қилинган республика геронтология марказида 500 нафар уруш ва меҳнат фахрийларининг даволаниши учун бепул йўлланма билан таъминлашни режалаштирганмиз.

Жамғарма Марказий Кенгашининг 2005 йилга мўлжалланган чора-тадбирлари режасида кўзда тутилган вазифаларни бир қатор давлат ва жамоат ташкилотлари билан биргаликда амалга ошириш белгилаб олинган.

**Суҳбатдош:**
**Зайниддин МАМАДАЛИЕВ**

# ТЎЛҚИНЛАР ИЗИДАН КЕЛАР ТЎЛҚИНЛАР



*Академик Ёлқин Тўрақулов хотирасига*

**Инсон хотираси ҳамиша азиз ва мўътабардир. Улуғларнинг улуғворлиги шундаки, улар яратган илму фан мактаблари йиллар ўтган сайин янада пурвиқор кўринаверади. Ўзбек фанининг дарғаларидан бири Ёлқин Тўрақулов ҳам худди шундай инсонлардан эди. Эътиборингизга олим хотирасига бағишланган ушбу шеърни ҳавола этмоқдамиз.**

*Қоратов қўйнида чақнаган ёғду,*
*Тошкент қучоғида олди аланга.*
*Дилида ғавғолар ёқмади қутқу,*
*Зийрак кўзда боқди ёруғ оламга.*

*Игна ила қудуқ қазган сингари,*
*Билим дурларини битталаб терди.*
*Ҳар доим замондан юрди илгари,*
*Йиққан гавҳарини халқига берди.*

*Яшади сал шоир, андак шоҳмотчи,*
*Сипо олимларга хос феъли билан.*
*Йиллар ўтиб бўлди зўр кашфиётчи,*
*Фозил-даҳоларга бой эли билан.*

*Қайларга отмасин палаҳмон тоши,*
*Кишилар қалбини этди чароғон,*
*Меҳнатда тобланди сабру бардоши,*
*Юрган жойларида яшнади бўстон.*

*Заккий авлодларнинг камолин кўрди,*
*Кўнглида юксалди тоғдай ифтихор.*
*Озод Ўзбекистон жамолин кўрди,*
*Буюк хизматлари топди эътибор.*

*На чора, шум ўлим ёқадан тутгач,*
*Энди устод бақо сари йўл олди.*
*Бизга эса у зот яратиб кетган,*
*Ўзбек олимининг мактаби қолди.*

*Бу мактаб шуҳрати сўнмагай асло,*
*Тўлқинлар изидан келар тўлқинлар.*
*Қайтадан туғилар бунда даҳолар,*
*Ҳали донг таратар қанча ёлқинлар.*

**Асрор МЎМИН**

# ЭҲТИРОМ РАМЗИ



Иккинчи жаҳон урушининг қирғинбарот жангларида минглаб каттақўрғонликлар ҳам иштирок этган. Урушга кетганларнинг ярми ҳалок бўлган, бедарак кетганлар ҳам оз эмас. Юртнинг мард фарзандлари хотирасини бугунги авлод унутмайди. Каттақўрғон шаҳрининг марказий хиёбонида Мотамсаро она ҳайкали қад ростлагани ҳам ўтганлар ёди ҳамиша қалбимизда эканлигига бир далил.

— Каттақўрғон қадимий маърифат ўчоқларидан бири, — дейди шаҳар ҳокими Даврон Маматқулов. — Зиёлилар ва оқсоқолларнинг таклифига кўра барпо этилган Хотира мажмуи аждодларимизга эҳтиром рамзи бўлиб қолади.

Майдон атрофи кўкаламзорлаштирилмоқда. Шарқона услубда бунёд этилган 36 метрли кошинкор айвон саҳнида шаҳид кетганлар номи қайд этилган рамзий китоблар жойлаштирилди.

Мажмуани 9 май — Хотира ва Қадрлаш куни арафасида очиш кўзда тутилган.

**Шуҳрат ҚАРШИЕВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

◇◇◇

**Суратларда:** Хотира майдонида қад ростлаган Мотамсаро она ҳайкали. «Нуроний» жамғармаси раиси Баҳодир Шукуров (чапдан) иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари Усмон Болиев ва Мусулмон Кўбаев, маҳалла хайрия жамғармаси раиси Ҳабибулла Нарзуллаевлар билан Хотира майдонида.



**Ҳусан ТЎҒИЗОВ олган суратлар**

# УСТОЗ ХОТИРАСИ



Ўша куни тонгда қўнғироқ бўлди. «Алло» дейиши биланоқ толиққан оҳангда бўлса-да, овозидан танидим ва олдинроқ саломлашишга шошилдим.

— Ассалому алайкум, устоз!

— Во алайкум ассалом..., — деди-ю, бир фурсат тин олди. — Ҳозир эрталабдан бир келиб кет. Бошқа шогирдларга ҳам қўнғироқ қилдим. Биргалашиб келинглар. Тадбирим бор. Кеннойиларинг ҳам уйда. «Бугунча ишга бормай қўяқол» — дедим. Ҳаммаёқни супурибсидириб, сувлар сепиб, шинамгина қилиб қўйди...

Устоз бошқа гапиролмади... Телефон узилиб қолди. Ўзи айтгандек бошқа шогирдлари билан қўнғироқлашиб, тонг саҳардан йўл олдик...

Не кўргуликки, биз ҳовлига яқин боришимиз билан ичкаридан аюҳаннос йиғи кўтарилди...

Устоз бизларни телефонида бирма-бир чақириб бўлиб, ётоқхонага кирибди-ю, креслога ўтирганча жон берибди...

Қаранг, юрак хуруж қилавергач, худди ўз ўлими яқин бир-икки соат ичида муқаррарлигини билгандек, нафақат шогирдлари, ҳатто келин-куёвлари, ўғил-қизлари, набиралари ва қавми-қариндошларини ҳам телефонда «тадбир бор» деб чорлаган экан...

Устозимиз Рифкат Зайдуллаевич Гайнутдинов Тошкент вилоятининг Оққўрғон туманида хизматчи оиласида туғилган эди. У 1972 йилда Тошкент давлат жисмоний тарбия институтини тамомлаб, аввал ўқитувчилик қилди. Кейин 1979-1981 йилларда аспирантурада ўқиди, психология фанлари номзоди бўлди. 1988 йилдан 1992 йилгача ҳозирги Низомий номли Тошкент давлат педагогика университетида доцент бўлиб ишлаб юриб, докторлик иши ёзди ва ўша йили ёқлади. Шундан сўнг турли илмий-педагогик ишларда, раҳбарлик лавозимларида меҳнат қилди. Абдулла Авлоний номли халқ таълими ходимлари малакасини ошириш институтида проректор, Ҳунар-техника таълими ходимлари малакасини ошириш институтида ректор...

1998 йилда Рифкат Зайдуллаевич Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясига ишга келди. Бу ерда у 2004 йилга қадар «Ички ишлар фаолиятида психология ва педагогика кафедраси» профессори сифатида академия тингловчиларига сабоқ бериш билан бирга 5 нафар фан доктори, 15 нафар фан номзодига устозлик қилди.

Рифкат Гайнутдинов психология фанининг энг нозик қирралари — этнопсихология, педагогик психология, ижтимоий психология, юридик психология, спорт психологияси, касб психологияси сингари мавзулардаги 300 дан ортиқ монография, дарслик, ўқув ва ўқув-услубий қўлланмалар ҳамда рисолалар муаллифи эди...

— Мен бахтлиман, — дерди у кайфияти яхши кезларда. — Ҳамма шогирдларим илмий иш қилмаса-да, ҳаётда ўз йўлини топиб олган. Улар орасида вазирлар, қўмиталарнинг раислари, жамоат арбоблари, маданий-маърифий соҳаларнинг етакчилари бор...

Устознинг мана шу сўзларини бугун Хотира ва Қадрлаш куни онларида эслаяпману ўз ҳаётидан рози бўлиб, шукрона айтишнинг ўзи ҳам бир бахт эканини англаяпман.

Ва яна шунга иқрорманки, устоз хотираси у ўзига яқин олган, суйган барча шогирдлари, оила аъзолари, дўстлари, қавми-қариндошлари учун ҳамиша азиз.

Кўп сонли шогирдлари номидан

**Аҳмаджон БЕКНАЗАРОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясининг Психология ва касб этикаси кафедраси катта ўқитувчиси, психология фанлари номзоди, подполковник.**

# «ЖАНГЧИ ДУГОНАЛАР» ТАКЛИФ ЭТИЛДИ

ЎзХДП Самарқанд шаҳар кенгаши «Жангчи дугоналар» клубининг навбатдаги учрашувини ташкил этди. Шаҳардаги 121-сон мактабгача таълим муассасасида бўлиб ўтган учрашувда болажонлар томонидан ижро этилган куй-қўшиқлар, чиройли рақслар тадбир иштирокчиларига хуш кайфият улашди. Бир пиёла чой устида давом этган қизғин суҳбат «Жангчи дугоналар»да катта таассурот қолдирди.

— Бизни йўқлаб, қадрлашгани учун ХДП Самарқанд шаҳар кенгашига чексиз миннатдорчилик билдирамиз, — дейди «Жангчи дугоналар» клуби аъзоси Анна Абрамова.

Тадбир сўнггида ХДП Самарқанд шаҳар кенгаши раиси А.Абдушукуров клуб аъзоларига моддий ёрдам сифатида пул мукофотларини топширди.

Учрашувда ЎзХДП вилоят кенгаши раиси ўринбосари Дилбар Имомова иштирок этди.

**(Ўз мухбиримиз)**

# ФАХРИЙЛАР ЭЪЗОЗЛАНДИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Пешку туман кенгаши Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан Варахшо қишлоқ фуқаролар йиғинида фахрийларга байрам дастурхони ёзди.

— Туманимизда урушдан азият чекмаган хонадон йўқ ҳисоби, — деди ЎзХДП туман кенгаши раиси Эркин Холов. — Жангга кетган минглаб кишининг кўпчилиги она қишлоғига қайтмади. Ҳозирги кунда саксон уч нафар уруш фахрийси сафимизда. Уларни ҳар қанча эъзозласак оз.

Туман мудофаа ишлари бўлими бошлиғи, подполковник Содиқ Широв тўпланганларни байрам билан қутлаб, фахрийларга юбилей медалларини тантанали топширди.

— Бу кунларга етганимизга шукрона қиламиз, — деди уруш қатнашчиси Тош бобо Нуруллаев, — мустақилликни ҳам кўрдик. Президентимизнинг биз уруш қатнашчилари ва ногиронларига бўлган эътибори ҳамда ғамхўрлигини сезиб турамиз. Ҳар куни дуога қўл очганимизда юртимизга тинчлик, халқимизга омонлик тилаймиз. Илоҳо, мамлакатимизнинг бу ёруғ кунларига кўз тегмасин.

Сўлим оромгоҳда бир-бирлари билан дийдорлашган отахону онахонлар катта байрам концертидан баҳраманд бўлдилар.

**Даврон БАҲРОНОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

# «ОДДИЙ АСКАР ОДИЛ ХОЛИСОВ»

Биз ҳикоя қилмоқчи бўлган қаҳрамонимизнинг ҳаёти Иккинчи жаҳон урушининг суронли йилларида айнан шу номда кечди. Миллионлаб инсонлар тақдирини поймол этган даҳшатли уруш ўз юртидан олисда ҳарбий хизматни ўтаётган оддий бир ўзбек йигитининг барча орзу-умидларини ўзгартириб юборди. Ҳарбий хизматни уддалаб, она юртига ёруғ юз билан қайтишни ният қилиб юрган Одил Холисов урушнинг дастлабки онларидаёқ душманнинг разилона башарасига дуч келишини ҳеч ўйлаб кўрганмиди?

Тарих қатлари ичра кечган ҳар бир уруш ўзидан тегишли хулосалар чиқаришга ундайди. Лекин инсоният ўтмишида ҳеч бир муҳораба йўқ-ки, Иккинчи жаҳон урушичалик адолатсизлик заминига қурилмаган бўлса...

Ўзга юртлар тупроғида қон кечган ўзбек ўғлонлари сингари Одил Холисов ҳам урушда миллатимиз шаънига хос қаҳрамонлик, жасурлик сифатларини кўрсатишга ҳаракат қилди. Шу боис бўлса керак, у жанглардаги фидойилиги учун ўша кезларда бир неча бор тақдирланган эди.

Одил Холисов оловли йиллардаги хотираларини эслар экан, Украинанинг Львов, Дрогобич, Винница, Проскуров шаҳарларини озод қилишда қатнашган жанглари кўз олдидан ўтади. Айниқса, «Южний» номли партизанлар отряди сафида 1944 йилгача душманга қарши олиб борган жанглари уни аскар сифатида янада toблади. «1945 йилнинг марти бир умрга ёдимда қолди, — деб эслайди Одил Холисов. — Чунки ўшанда ғалаба онларининг яқинлигини, яна ўз юртимга, яқинларим бағрига омон қайтишим мумкинлигини ҳис қилдим. Шу кунлари дунёда мендан бахтли инсон йўқ эди, деб ўйлайман».

Дарҳақиқат, кўп ўтмай фашистлар армияси яксон қилиниб, тинчликсевар миллатлар қатори ўзбекистонликлар ҳам ғалаба нашидасини сурдилар. Ўз жигаргўшасини урушга юбориб, унинг йўлига умид-ла кўз тиккан оналар илтижоси олис ўлкаларда эл-юрт номуси учун жанг қилган фарзандларни асради. Одил Холисов ҳам қадрдон оиласи бағрига қайтди.

Бугун фарзанд ва невара-чеваралари ардоғида кексалик гаштини сураётган Одил ота Холисов ўтган кунларини эслаб, тинчлик деган олий неъмат инсон учун нақадар азиз эканлиги, унинг қадрига етиш, истиқлолни улуғлаш ҳар биримиз учун фарзлигини доимо таъкидлайди.

— Бу кунларга етказганига шукр, — дейди Одил ота Холисов. — Ёшим тўқсонни қоралаб қолди. Ҳар йили Хотира ва Қадрлаш кунида туманимиз вакиллари келиб ҳолимдан хабар олишади. Иккинчи жаҳон урушининг кулфатлари ҳеч қачон унутилмаслиги керак. У бизга тинчлик нима эканини, уни асраб-авайлаш зарурлигини ўргатди. Тинчлик барча халқлар учун бахт-саодатдир.

**Эркин ИБРОҲИМОВ**

# ФИДОЙИ ИНСОН ЭДИ



Тарих ўқитувчиси Умар Тоиров ўтмишнинг мудҳиш хатолари, мозийдаги урушлар оқибати ҳақида ўз ўқувчиларига куюниб гапирарди. Ногаҳон бошланган Иккинчи жаҳон уруши туфайли унинг ўзи ҳам жангларда иштирок этди, уруш даҳшатларини кўрди. Ўқитувчилар урушга олинмасди. Лекин у тўғри вилоят ҳарбий бўлимига йўл олди ва «Мен ҳам фронтга бораман, тенгдошларимдан қолмайман!» дея сўзида қатъий турди. Шу тариқа у душманга қарши жангга отланди.

Харьков остонасида тўпчи Умар Тоировнинг қуролдош дўстлари ҳалок бўлишди. Шунда ҳам у ўзини йўқотиб қўймади. Аксинча, ортида она-Ватани, тинчликсевар халқи турганини ҳис этган жангчи ўзида жасорат сезди ва тўпни якка ўзи ўқлаб ота бошлади. Бир пайт ёнгинасида снаряд портлади...

Хайриятки, душманнинг олти танкини йўқ қилган қаҳрамон тирик қолди. Кейинчалик довюрак аскар бир қанча орден ва медаллар билан тақдирланди. Ўзбекистонга эсон-омон қайтган Умар Тоиров севган машғулоти — спорт билан шуғуллана бошлади. Республика спорт қўмитасига раҳбарлик қилди. «Пахтакор» марказий стадиони қурилишига бошқош бўлди. Узоқ йиллар республика махсус спорт мактаб-интернатига бошчилик қилди. Ёшлар билан учрашувларда у ҳар гал тинчликнинг қадрига етиш, юрт тупроғини кўзга тўтиё айлаш кераклиги ҳақида насиҳат қилишдан чарчамади.

Отахон бир умр одамлар ардоғида бўлди. Лекин у ҳақиқий қадрни мустақиллик йилларида топди. Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашдаги самарали меҳнатлари учун **Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси** фахрий унвонига сазовор бўлди. Мустақиллик шарофати билан туғилган Хотира ва Қадрлаш куни олдидан бундай жасоратли инсонларни ёдга олмоқ, руҳи покларини эъзозламоқ бизнинг муқаддас бурчимиздир.

**Юнус ЗИЁДОВ**

# «ОРЗУИМ ОЛИМПИАДАДА ҚАТНАШИШ»

Болалар спорти



Пойтахтимиздаги Республика Олимпия заҳиралари спорт коллежига ҳеч йўлингиз тушганми? Салкам ярим асрдан бери фаолият кўрсатаётган ушбу билим даргоҳида кимлар таҳсил олишини биласизми?

— 2002 йилнинг баҳорида Андижонда қиличбозлик бўйича ўсмирлар ўртасида ўтказилган Ўзбекистон биринчилигида соф ғалабани қўлга киритдим, — дейди мазкур коллежнинг биринчи босқич ўқувчиси Гулмира Мамадалиева. — Ўшанда мураббийим Игорь Петрович Артушин мени ғалаба билан табриклаб, Тошкентда барча шарт-шароитларга эга махсус спорт коллежи борлиги, агар ростдан ҳам маҳоратимни ошириш ниятида бўлсам, бажонидил ўқишга қабул қилишларини айтгандилар. Орадан кўп ўтмай, дадам мени шу коллежга олиб келди. Кириш имтиҳонларидан муваффақиятли ўтиб, 8-синфга ўқишга қабул қилиндим...

Гулмира ўтган уч йил давомида ёшлар ўртасида мамлакат чемпионати, Ўзбекистон кубоги ҳамда бир қатор халқаро турнирларда ғолиб ва совриндорлар қаторидан жой олди, 2003 йилги Ўзбекистон кубоги баҳсларида эса спорт устаси талабини бажарди.

— Мен Асакадаги 7-мактабда ўқиганман, — дея эслайди Гулмира. — Бешинчи синфдалигимда шаҳримиздаги 2-болалар ва ўсмирлар спорт мактабидан мураббийлар келиб, бизни қиличбозлик бўлими машғулотларига таклиф этишди. Қизиқувчан эмасмизми, синфимиздан бир йўла ўн икки нафар ўқувчи қиличбозликни ўрганиш учун БЎСМга қатнай бошладик. Аммо, орадан уч-тўрт ой ўтгач, тўгаракда мен билан машғулотларга қатнаша бошлаган ўртоқларимдан ҳеч ким қолмади. Мураббийим Ринат Фаридович Симешёв менга кўпроқ вақт ажратадиган бўлдилар. Эришаётган ютуқларимда биринчи мураббийимнинг катта ҳиссалари борлигини ҳеч қачон унутмайман. Таътил вақтларида уйга борсам, дугоналарим менга ҳавас билан қарашади. Баъзан, биз ҳам қиличбозликни ташлаб кетмаганимизда, балки сендек чемпион бўлармидик, дея афсус қилишади.

Гулмира Мамадалиева яқинда Ўзбекистон аёллар терма жамоасига қабул қилинди. Энди у Аида Хакимулина, Дилноза Мақсудова, Надежда Соколова сингари етакчи спортчилар билан биргаликда халқаро турнирларда мамлакатимиз шарафини ҳимоя этади.

— Навбатдаги ёзги Олимпия ўйинлари 2008 йили Пекин(Хитой)да бўлиб ўтади, — дейди Гулмира Мамадалиева. — Афсуски, ўтган йили Афинада бўлган олимпиадада қиличбозлик бўйича вакилларимиздан ҳеч ким қатнаша олмади. Менинг орзуим олимпиадада қатнашиш.

Ҳа, Республика Олимпия заҳиралари спорт коллежида ана шундай иқтидорли ёшлар таҳсил олишади. Айни пайтда бу ерда спортнинг 24 тури билан шуғулланаётган 750 нафардан ортиқ ўғил-қизнинг ҳар бири катта орзу-умидлар билан ўз маҳоратини оширмоқда.

**Эркин ХОЛБОБО**

✧✧✧

**Суратда:** Гулмира Мамадалиева.


TURON BANK

## Акциядорлик тижорат «ТУРОН» банки жамоаси

**9 май — Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан аждодлар руҳини ёд этади.**

*Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган юртдошларимиз хотираси олдида бош эгамиз. Мустақил Ўзбекистонимизнинг барча халқига сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, жонажон Ватанимиз равнақи йўлидаги бунёдкорлик ишларига ривож тилаймиз.*




Интер-спорт

## МАРАТГА ВЕРТОЛЁТ ХАЛАҚИТ ҚИЛДИ



Россиялик моҳир теннисчи Марат Сафин «Мастерс» турнирини ғалаба билан бошлади. У чехиялик Иржи Новакни 6:7 (3:7), 6:1, 6:1 ҳисобида мағлубиятга учратди. Қизиғи шундаки, учрашув пайтида теннис майдони тепасидан учган Италия полициясининг вертолёти ўйинчиларга халақит берди. Вертолётдагилар шу яқиндаги тепаликда ёндириб юборилган резина ғилдиракларни ўчириш билан овора эди. Тибр дарёсидан сув олиб, ўт чиққан томонга парвоз қилаётган вертолёт спорт мусобақасининг осойишта ўтишига имкон бермади. Лекин Марат Сафинга фақат бугина эмас, яна бир нарса халақит қилди. Ўйин пайтида теннис ракеткасининг синиб кетиши унинг кайфиятини бузди. Шунинг учунми, Марат биринчи партияни бой берди. Лекин қолган икки партияда ўзини ўнглаб ғалабага эришди. У навбатдаги учрашувни Николас Альмагро билан ўтказади.

## БЭКХЕМ «АРСЕНАЛ»ГА ЎТАРМИКИН?

Лондоннинг «Арсенал» клуби мураббийи Арсен Венгер Англия терма жамоасининг сардори Дэвид Бэкхемни ўз жамоасига олмоқчи экани ҳақида баёнот берди. Албатта, Бэкхем шу йил ёзда Мадриднинг «Реал» клубини тарк этадиган бўлса. «Яқин кунларда бизда етарли сармоя бўлади, — деди Арсен Венгер, — биз бу маблағни ўйинчилар манфаатига сарфлашимиз, шунингдек, Бэкхемнинг розилигини олсак у билан шартнома тузишимиз ҳам мумкин бўлади».

*Ҳикматли сўзлар маъноси*

### ЮЗТА «СИЗ-БИЗ»ДАН — БИТТА «ЖИЗ-БИЗ» ЯХШИ»

«Ўнта «ҳап-ҳап»дан — Битта чап-чап яхши» («жиз-биз» — қозонда овқат қовурилаётганда ҳосил бўладиган овоз»; «ҳап-ҳап» — оғиздан чиқадиган товуш, бу ерда «қуруқ гап» маъносида келтирилган; «чап-чап» — жуда юпқа нон, шапарак). мазкур мақолларни: «Уйингга келган меҳмонга қуруқ мулозаматлар қилгунча, олдига топган-тутган ош-нонингни, ноз-неъматингни қўй — кўнглини овлайсан» сендан миннатдор бўлиб кетади» деган маънода ҳам; «Қуруқ гап — қулоққа ёқмас» дегандек, бировдан: бир нимани илтимос қилганда, унинг воситасида бирор ишингни битирмоқчи бўлганингда оғзаки илтимос қилганингда, ўтиниб сўраганингдан, ялиниб-ёлворганингдан кўра, уни меҳмон қил, деган маънода ҳам; «кўп насиядан — оз бўлса ҳам нақд яхши» деган маънода ҳам қўллайдилар.


RESPUBLIKA KO'CHMAS MULK BIRJASI

**Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!**

**РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ ВА «KIMOSHDI SAVDOLARI AGENTLIGI» ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!**

***2005 йил 9,16,23,30 июнь кунлари соат 11.00да республика Кўчмас мулк биржасининг биносида аукцион комиссияси иштирокида, объектнинг бошланғич баҳоси ошиши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги объект қўйилади:***

*Тошкент вилояти, Қибрай туманида жойлашган Қибрай нефть базаси ва «ЎзҚҚЎЧМК» ОАЖга қарашли сульфо-аммиакли селитрани сақлаш ва тақсимлаш қурилмалари мулкий мажмуаси:*

***Бошланғич баҳоси — 2 030,0 минг АҚШ доллари.***

*Аукцион савдолари бўйича харидорлардан аризаларни қабул қилиш ва расмийлаштириш савдо бошланишидан 1 соат олдин тўхтатилади.*

*Аукцион савдосида қатнашиш учун харидорлар объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдорида закалат пули тўлаши шарт.*

*Закалат пули «Kimoshdi savdolari agentligi»нинг Ўзбекистон Республикаси Уйжойжамғармабанкининг бош амалиёт бошқармасидаги ҳисоб рақамига: 20208840104265383004, КОД-00937, СТИР 204563716, SWIFT:UZHOUZ 22 ўтказилади.*

***Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар! Имкониятингизни бой берманг!***

*Қўшимча маълумотлар учун республика Кўчмас мулк биржаси ва «Kimoshdi savdolari agentligi»га мурожаат қилишингиз мумкин.*

*Манзилимиз: Тошкент шаҳри, С.Раҳимов тумани, Қора-Қамиш 2/4 даҳаси, М.Ўрозбоев кўчаси, 1«А»-уй, республика Кўчмас мулк биржаси биноси, 2-қават, 207-хона.*

***Маълумот учун телефонлар: 136-15-28, 136-26-26.***

**Предприятие «ТПНСУ» сообщает о намерении приобретения акции АО «Средазцветметэнерго» в размере 18,9%.**

# ЗАРАФШОН ТИББИЁТ КОЛЛЕЖИ

**ЎҚИШГА ТАКЛИФ ЭТАДИ**

***2005-2006 ўқув йили учун қуйидаги мутахассисликлар бўйича ўқувчилар қабул қилинади:***

**9-синф маълумоти билан:**

«Ҳамширалик иши»;
«Даволаш иши»;
«Ортопедик-стоматология».

**Ўқиш муддати — 3 ЙИЛ**

**11-синф маълумоти билан:**

«Ҳамширалик иши»;
«Даволаш иши».

*Ўқиш муддати —* **1 ЙИЛУ 10 ОЙ** *шартнома асосида.*

**Зарафшон тиббиёт коллежига ўқишга кириш истагини билдирган ёшлардан қуйидаги ҳужжатлар қабул қилинади:**

- Коллеж директори номига ариза;
- Маълумоти тўғрисидаги ҳужжатнинг асл нусхаси;
- 086/у — шаклидаги тиббий маълумотнома;
- 3х4 ҳажмидаги 6 дона фотосурат;
- Оилавий аҳволи ҳақида доимий яшаш жойидан берилган маълумотнома;
- Тавсиянома;
- 9-синфни жорий йилда битирмаганлар учун, 10-11 синфларида таҳсил олмаганлиги тўғрисида ўзлари ўқиган жойдан ва маҳалла қўмитасидан маълумотнома;
- Паспорт ёки туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома.

**Ҳужжатлар 20 июндан 31 июлгача қабул қилинади.**





**Бизнинг манзил:** *Навоий вилояти, Зарафшон шаҳри, Наврўз маҳалласи, Зарафшон тиббиёт коллежи.* **Тел:** (8-436) 572-03-33.



**BOSH MUHARRIR:**
**Safar OSTONOV**

**TAHRIR HAY`ATI:**
Abdulla ORIPOV
Asliddin RUSTAMOV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Habib SA'DULLA
Farruh HAMROYEV (Bosh muharrir birinchi o`rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o`rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o`rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Norbobo SHAKAROV
Nomoz SA`DULLAYEV
To`lepbergen QAIPBERGENOV
Muslihiddin MUHIDDINOV
Olim MURODOV
Abdug'ani MAMASODIQOV (Mas'ul kotib)

**MUASSIS:**
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

**BO`LIMLAR:**
Siyosat, partiya va xalqaro hayot 133-44-55
Ma`naviyat va ma`rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-76-21
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Mas`ul kotib 133-72-83
Reklama va e`lonlar 133-38-55, 133-47-80

**VILOYAT MUXBIRLARI:**
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

**MANZILIMIZ:**
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.

Navbatchi: **Shohaydar MIRHABIBOV**

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi: **Ikromjon ISMOILOV**

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
**Korxona manzili:** *Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.*

*Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 008-raqam bilan ro'yxatga olingan.*
**Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.**
***Hajmi 2 bosma taboq.***


«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.


Г — 454
9213 nusxada bosildi
t — Тижорат материали
O'zA yakuni — .
Topshirish vaqti —
1 2 3 4 5 6
Sotuvda erkin narxda